
Данғара туманида ғўза дефолиациясини ўтказиш, пахта йиғим-теримига ва дон экишга тайёргарлик юзасидан кўргазмали семинар ташкил этилди.

Данғара туманида ғўза дефолиациясини ўтказиш, пахта йиғим-теримига ва дон экишга тайёргарлик юзасидан кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда туман ҳокими, сектор раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги бўлими ходимлари, пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари раҳбарлари, фермерлар ҳамда нуронийлар иштирок этдилар.

Мулқобод ММТП ҳудудидаги “Овул тонги” фермер хўжалигида ўтказилган семинарда пахта йиғим-теримига киришиш олдидаги сўнгги агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш, ғўза майдонларини дефолиациялашни ғўзанинг биологик етилганлигига қараб ўз муддатида ва сифатли ўтказиш, қўлланиладиган дефолиантларни тўғри танлаш ҳамда 2025 ҳосили учун дон экиш мавсумини тизимли ташкил этиш масалалари бўйича тавсиялар берилди.

Тадбир давомида Қуръон тиловати қилиниб, жонлиқ сўйилди. Нуронийлар иштирокида давлатимиз равнақи, юрт тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, бўлажак ҳосил барокатли бўлишлиги сўралиб дуойи хайрлар қилинди.

2024-08-23 19:21:11